

ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «17» май

14-сон

Нуробод ш.

"Нурбулок Кристал савдо" Х/К (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари **Ғ.Уринов** номидан, иккинчи томондан **Нуробод тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази**, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар **Н.Жалалиддинов** мазкур шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Нуробод туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази хизмат енгил автомашинасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш (кейинги ўринларда-"Хизматлар"деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг умумий сўммаси **21 500 000 (Йигирма бир миллион беш юз минг) сўм** деб белгиланди. Бажариладиган ишлар (хизматлар) учун олдиндан тўлов миқдори 15% ни ташкил қилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортдан ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- Баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш;

2.2. "Буюртмачи" нинг мажбуриятлари:

2.2.1. "Хизматлар"ни 2022 йилда бюджет маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. "Хизматлар"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича қабул қилиш-тоншириш далолатномаси имзоланган вақтдан бошлаб, томонлар шартномани тасдиқлаганларидан сўнг 3 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3 "Бажарувчи" кўйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги ҳуқуқ ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи" дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага “Хизматлар”ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “Буюртмачи” дан талаб қилиш.

2.4. “Бажарувчи” қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. “Буюртмачи” билан тузган шартнома асосида “Хизматлар”ни батафсил кўрсатиш;

2.4.2. “Буюртмачи”га “Хизматлар”ни мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи” томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатларда, сифатли ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар “Хизматлар”ни кўрсатиш жараёнида “Бажарувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйган булса, “Буюртмачи”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 1 кун муддатда текин тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **21 500 000 (Йигирма бир миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган “Хизматлар”нинг баҳоси мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилган.

3.2. Кўрсатилган “Хизматлар” учун ҳақ тўлаш пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Мазкур шартнома шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига юклатилган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.3. “Хизматлар” ни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. “Буюртмачи” нинг ҳисоб-китоб ҳужжатида курсатилган сана “Хизматлар”га ҳақ тўлаш бўйича “Буюртмачи” мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. “Буюртмачи” муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган “Хизматлар” ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Курсатилган “Хизматлар” бевосита “Буюртмачининг” маъсул ходими томонидан далолатномада кўрсатилган “Хизматлар” миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.6. Шартномада назарда тутилган “Хизматлар” кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки “Буюртмачи”нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда “Бажарувчи” “Буюртмачи” нинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

4.7. “Буюртмачи” илгари берилган буюртманомани бекор қилишга, ёхуд “Хизматлар”нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Бажарувчи”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида бир кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.2. Агар кўрсатилган “Хизмат”ларнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган “Хизматлар” қийматининг 20% миқдорида жарима тулайди.

5.3. “Хизматлар” кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун “Бажарувчи” “Буюртмачи”га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган “Хизматлар”нинг 25% миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, “Бажарувчи” “Буюртмачи”га “Хизматлар” кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.5. Кўрсатилган “Хизматлар” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Буюртмачи” “Бажарувчи”га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов

сўммасининг 0,4 % миқдориди махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 % дан ортиқ бўлмасилиги керак.

5.6. “Буюртмачи” томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун “Буюртмачи”ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) “Буюртмачи” томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган “Бажарувчи”нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. “Бажарувчи”нинг айби билан контрактация шартномасининг “Буюртмачи” томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда “Бажарувчи” томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чоратадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1 Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари **21 500 000 (Йигирма бир миллион беш юз минг) сўмлик № 13 сонли шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб 2022 йил 17 майдан 2022 йил 31 декабргача амал қилади.** Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг қонуний кучга киради.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан 2 (икки) нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.2. Мазкур шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

IX. ТОМОНЛАРNING ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“БАЖАРУВЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”


"Нурбулок Кристал савдо" МЧЖ
Нуробод шаҳри

Нуробод туман Аҳоли бандлигига
қўмаклашиш маркази
Нуробод шаҳри, Оксой кучаси 16/2

тел/факс:
Ҳ/р: 20208000409589871001
Банк номи: АТ Саноат-Курилиш банки
А. Темураф. Самарқанд шаҳри
МФО: 00994, ИНН: 303311848
ОКОНХ:

тел/факс: 66 633-16-63,
Ш/хв:100022860182357109120141001
“Марказий банк” ХЖКМ, Тошкент

МФО: 00014, ИНН: 200 779 924
ОКОНХ: 97600, ОКЭД: 84130

Раҳбар:  Ф. Уринов

Раҳбар:  Н. Жалалиддинов

Хуқуқшунос: _____

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси: _____